

"Навоийуран" ДК Кузатув кенгашининг
2022 йил " 9 " февралдаги
1 - сон мажлис баённомасига
З-илова

**"Навоийуран" давлат корхонасининг
"Комплаенс хизмати" тұғрисида**

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар.

1. Ушбу Низом "Навоийуран" давлат корхонаси (кейинги үринларда – корхона)нинг коррупцияга қарши "Комплаенс хизмати"га қўйиладиган талабларни, фаолият йўналишлари, уларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигининг 2021 йил 6 сентябрдаги "Коррупцияга қарши ички назорат тузилмалари фаолияти тұғрисидаги намунавий низомни тасдиқлаш тұғрисида"ги 27-сонли буйруғи (Адлия вазирлиги томонидан 2021 йил 8 сентябрда 3319-сон билан рўйхатга олинган) талабларидан келиб чиқиб ишлаб чиқилган.

2. "Комплаенс хизмати" ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қиласи ва корхона раҳбарининг қарорлари, буйруқлари ҳамда фармойишларига, шунингдек ушбу низомга амал қиласи.

3. "Комплаенс хизмати" коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш ва олдини олиш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик ҳамда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш чораларини кўришга масъул ҳисобланади.

2-боб. Комплаенс хизмати фаолиятини ташкил этиш.

4. Комплаенс хизмати бошлиғи ва унинг ходимлари ўз фаолиятида давомида бевосита корхонанинг биринчи раҳбарига ҳамда Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлигига (кейинги үринларда – Агентлик) бўйсунади.

Комплаенс хизмати бошлиғи корхона томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда ўтказиладиган очиқ танлов асосида ишга қабул қилинади.

5. Комплаенс хизмати бошлиғи лавозимидан озод этиш масаласи Агентлик билан келишилган ҳолда амалга оширилади.

Бунда, давлат корхонаси томонидан Агентликка корхона раҳбарининг Комплаенс хизмати бошлиғи лавозимидан озод этиш ҳақидаги тақдимномаси берилади.

Ушбу тақдимномада ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари кўрсатилади. Тақдимномага ходимни лавозимидан озод этиш сабаблари тасдиқловчи ҳужжатлар (масалан, ходимнинг аризаси, ички меҳнат тартиби қоидаларини бузганлигини кўрсатувчи маълумотлар ва бошқа шу каби ҳужжатлар) илова қилинади.

6. Агентлик томонидан Комплаенс хизмати бошлиғи лавозимидан озод этиш сабаблари етарли эмас деб ҳисобланса, шу жумладан Комплаенс хизмати бошлиғи таъқиб қилинаётганлиги ҳақида маълумотларга эга бўлса, ушбу масалада Комплаенс хизмати бошлиғи билан суҳбат ўтказилиши мумкин.

7. Қуйидагилар Комплаенс хизмати бошлиғи лавозимидан озод этишни келишишни рад этиш учун асос бўлади:

Комплаенс хизмати бошлиғи лавозимидан озод этиш учун сабаблар етарли эмас деб топилганда;

Комплаенс хизмати бошлиғи зиммасига юклатилган вазифа ва мажбуриятлар доирасидан ташқари вазифаларни бажармаганлиги ёки ўзига юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажарганлиги учун таъқиб қилинганлиги ҳолати аниқланганда.

Тақдим этилган ҳужжатлар Агентлик томонидан уч иш куни ичida кўриб чиқилиб, тегишли давлат корхонасига Комплаенс хизмати бошлиғи лавозимидан озод этишни келишиш ёки келишишнинг рад этилганлиги сабаблари кўрсатилган хат тақдим этилади.

3-боб. Комплаенс хизматининг асосий мақсади, вазифаси ва функциялари.

8. Комплаенс хизматининг асосий мақсади корхонада, шунингдек, унинг ҳудудий ва таркибий бўлинмаларида коррупцияга қарши кураш бўйича ISO37001:2016 халқаро стандарти талабларига жавоб берувчи комплекс тизимни, хусусан, коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш ва ривожлантириш, коррупциявий ҳолатларни барвақт аниқлаш ва уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини бартараф этиш, коррупциявий хатти-ҳаракатлар содир этилишининг олдини олиш, корхона ходимларида коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантириш мақсадида уларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини ошириш, корхонада коррупцияга қарши профилактик чора-тадбирларни ташкил этиш, коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги ҳужжатлар ижросини таъминлашдан иборат.

9. Қуидагилар Комплаенс хизматининг асосий вазифалари хисобланади:

корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини таомиллаштириш;

корхонада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш;

корхонада коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш;

коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва корхоналари билан ҳамкорликни олиб бориш.

Комплаенс хизмати ўзига юклатилган вазифаларга мувофиқ қуидаги функцияларни амалга оширади:

а) корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятини таомиллаштириш соҳасида:

корхонада коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган ички идоравий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқади;

корхонанинг коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва тасдиқлаш учун корхона биринчи раҳбарига киритади;

корхонанинг фаолиятига оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва ички идоравий ҳужжатларда аниқланган коррупциявий нормаларни бартараф қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқади;

корхона томонидан ишлаб чиқиладиган коррупцияга қарши курашиш бўйича чора-тадбирлар лойиҳаларини корхонада коррупцияга қарши курашиш сиёсатига мослиги, мақбуллиги ва долзарблиги нуқтаи назаридан баҳолайди ва хulosалар беради;

корхонада коррупцияга қарши курашиш фаолиятини янада самарали ташкил этиш ва таомиллаштиришга қаратилган аниқ таклифларни Агентликка киритиб беради.

б) корхонада коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш ва уларга қарши курашиш соҳасида:

корхонада коррупциявий хавф-хатарларни баҳолайди, уларнинг натижалари бўйича аниқланган хавф-хатарларни камайтириш юзасидан чора-тадбирлар режаларини ишлаб чиқади ва корхонада коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлар рўйхатини яратади;

корхона томонидан ўхшаш ҳуқуқбузарликлар содир этилиши эҳтимолини баҳолаш мақсадида давлат корхонасининг бошқа бўлимларида коррупциявий ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг ҳолати ва йўналишлари хақида маълумот тўплайди;

максус ахборот алоқа каналлари орқали корхона ходимлари томонидан коррупциявий хавф-хатарлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳақида келиб тушадиган мурожаатларни таҳлил қиласи ва уларни белгиланган тартибда кўриб чиқилишини таъминлайди;

корхонада юритиладиган хизмат текширувлари реестри ёки ўтказилган хизмат текширувларини рўйхатга оладиган бошқа тегишли ҳужжатда коррупция фактларига доир хизмат текширувлари бўйича маълумотларнинг тўғри ва тўлиқ акс эттириб борилишини назорат қиласи;

давлат харидларини амалга оширишда манфаатлар тўқнашувини таҳлил қилишда ва корхона билан шартномавий муносабатларга (мехнат муносабатлари бундан мустасно) киришган ҳар қандай юридик ёки жисмоний шахсларнинг ишончлилигини текшириш жараёнида иштирок этади;

корхона ходимларига коррупцияга қарши курашиш масалалари бўйича тушунтириш ва тавсиялар беради;

коррупция фактлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган максус ахборот алоқа каналларининг фаолият натижаларини таҳлил қиласи ва таҳлилий материалларни корхона ходимларига етказади;

корхона фаолиятидаги коррупциявий ҳолатларни ва хавф-хатарларни аниқлаш мақсадида аҳоли ва ходимлар орасида сўровлар ўтказади;

коррупцияга қарши курашишга оид талаб ва нормаларнинг бузилиши масалалари бўйича интизомий жавобгарликка тортилаётган шахсларга жазо чораларининг мутаносиблиги ва етарлилигини назорат қиласи;

коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш мақсадида корхонада коррупция фактлари юзасидан ўтказилган хизмат текширувлари натижалари ҳақидаги маълумотларни таҳлил қиласи;

ҳар чорақда ва корхона раҳбари талабига кўра корхонада коррупцияга қарши курашиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳамда улардаги коррупциявий ҳолат ҳақида корхонанинг биринчи раҳбарига маълумот киритиб боради;

в) корхонада коррупцияга қарши курашиш тизимини самарали ишлашини таъминлаш ва назорат қилиш соҳасида:

коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастурларида корхонага юклатилган вазифалар ижросини мониторинг қиласи ва назоратини амалга оширади;

корхона тизимида коррупцияга қарши курашиш тизимининг ISO37001:2016 Коррупцияга қарши халқаро стандарти талабларига мослигини таъминлайди;

корхона ходимларининг малакасини ошириш бўйича ўкув режаларининг коррупцияга қарши нормаларга оид қисмини ишлаб чиқиша иштирок этади;

корхона ходимлари, шу жумладан коррупциявий хавф-хатари юқори бўлган лавозимлардаги ходимлар учун коррупцияни олдини олиш бўйича ўқув материалларини ишлаб чиқади;

ўқув режага мувофиқ корхонанинг барча ходимлари учун коррупцияга қарши курашиш бўйича тренингларнинг ўтказилишини ҳамда уларда ходимларнинг иштирок этишини назорат қилади;

корхона ходимлари ва фуқаролар ўртасида коррупцияга қарши курашиш бўйича тарғибот тадбирларида иштирок этади;

корхонанинг расмий веб-сайтидаги “Коррупцияга қарши курашиш” бўлими ҳамда ижтимоий тармоқларида саҳифаларига жойлаштирилган маълумотларни янгиланиб борилишини таъминлайди;

корхонадаги ходимлар томонидан коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига ва корхонанинг коррупцияни олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига риоя қилинишини мониторинг ва назорат қилади;

корхонадаги коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўйича хизмат текширувларини ўтказиш ташаббусини илгари суради ва унда иштирок этади;

одоб-ахлоқ комиссиялари томонидан манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш бўйича қабул қилинган қарорларнинг холислиги ва мақбуллигини текширади;

амалга оширилган мониторинг, хизмат текширувлари ва назорат тадбирлари натижалари бўйича коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқади;

корхонадаги коррупцияга қарши курашишга масъул шахслар билан ҳамкорликда коррупцияга қарши курашиш бўйича ишларни ташкил этиш ва ходимларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган конференциялар, учрашувлар, семинарлар, танловлар ва бошқа тадбирларни ташкил этади;

корхона фаолияти унинг коррупцияга қарши курашиш бўйича ички ҳужжатларига ҳамда халқаро стандартларга мувофиқлиги юзасидан текширувлар ўтказади;

г) коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ҳамда унда иштирок этувчи бошқа давлат органлари ва корхоналари билан ҳамкорликни олиб бориш соҳасида:

ходимларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни шакллантиришга доир чора-тадбирларнинг ишлаб чиқилишида иштирок этади;

қонунчилик ҳужжатлари билан корхона зиммасига юклатилган коррупцияга қарши курашиш бўйича вазифаларга мувофиқ хорижий давлатларнинг ваколатли органларига зарур ахборотни тақдим этиш

тұғрисида сўровлар юборади ва уларнинг сўровларига жавоб беришда иштирок этади;

корхонанинг коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирларини такомиллаштириш юзасидан хорижий мутахассисларни жалб этиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

ходимлари ва фуқароларнинг коррупцияга муросасиз муносабатини шакллантириш бўйича ва коррупцияга қарши курашишда амалга оширилган чора-тадбирлар тұғрисида хабардорлигини оширишга қаратилган тематик аудио ва видеороликлар ҳамда бошқа ахборот маълумотларидан фойдаланган ҳолда коррупцияга қарши курашиш тадбирларини ўтказади;

ходимлар уларни коррупция билан боғлиқ ҳуқуқбузарликни содир этишга ундовчи шахсларнинг ҳар қандай мурожаатлари тұғрисида, шунингдек, бошқа ходимлар томонидан содир этилган коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар ҳақида ўзига маълум бўлган ҳар қандай фактлар ҳақида тўғридан-тўғри корхонанинг Коррупцияга қарши курашиш “Комплаенс назорат” бўлимига хабар бериш тизимини жорий этади;

коррупциявий хатти-ҳаракатларни бартараф қилиш ёки коррупциявий жиноятларни тергов қилиш бўйича тадбирларни амалга оширишда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қиласди.

10. Комплаенс хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

Комплаенс хизматларига ва уларнинг ходимларига ушбу Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилмаган функцияларнинг юклатилишига йўл қўйилмайди.

4-боб. Комплаенс хизматининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари.

11. Комплаенс хизмати ходимлари ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қўйидаги ҳуқуқларга эга:

ўзлари фаолият юритаётган корхона ходимларидан уларнинг ваколатига кирувчи масалалар юзасидан таҳлилий материалларни, хulosаларни, статистик ва бошқа маълумотларни олиш;

хизмат мажбуриятларини бажариш доирасида корхона ходимларидан зарур ёрдам сўраш ва олиш;

корхона ходимлари фаолиятида аниқланган коррупциявий ҳуқуқбузарликлар юзасидан хизмат текширувларини ўтказиш;

корхонанинг биринчи раҳбарига коррупцияга қарши курашиш тизимини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ўз фаолияти доирасида корхона тизимиға ёзма кўрсатмалар, топшириқ хатлари ва тавсиялар бериш;

корхонанинг коррупцияга оид мажлисларида иштирок этиш;

текширувлар үтказиш, ҳужжатларни талаб қилиш, ходимлардан ёзма тушунтиришлар олиш.

Комплаенс хизмати қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

12. Комплаенс хизмати ўз зиммасига юклатилган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуидаги мажбуриятларга эга:

Низом ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари билан юклатилган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариш;

қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя қилиш ва ўз ваколат доирасидан четга чиқмаслик;

корхонада жиноят аломатлари, хусусан коррупция ҳолатлари аниқланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан-тўғри корхонанинг биринчи раҳбарига ҳамда Агентлик ва бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

корхонанинг коррупцияга қарши курашиш сиёсати, одоб-ахлоқ қоидаларининг коррупцияга оид қисмининг бузилганлиги факти юзасидан корхона биринчи раҳбарига маълумотномалар киритиш;

ҳар чорақда, кейинги чорак биринчи ойининг биринчи ўн кунлигida коррупцияга қарши курашиш борасида амалга оширилган ишлар ва чоратадбирлар тўғрисидаги чораклик ҳисботни Агентликка тақдим этиш.

Комплаенс хизмати ходими қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Комплаенс хизмати ходимлари коррупцияга қарши курашиш соҳасида фаолият юритувчи ходимларга мўлжалланган ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренингларда иштирок этади.

14. Ўқув курслари ёки маҳсус семинар-тренинглар корхона ёхуд Агентлик томонидан ташкил этилиши мумкин.

15. Комплаенс хизмати фаолиятининг натижадорлиги корхонада коррупцияга қарши курашиш тизимининг самарадорлик ва мақсадли кўрсаткичларига эришиш натижаларига асосан баҳоланади.

16. Комплаенс хизмати фаолиятининг мақсадли кўрсаткичлари корхонанинг биринчи раҳбари томонидан тасдиқланади.

17. Комплаенс хизмати фаолияти самарадорлигининг мақсадли кўрсаткичларига эришиш устидан назорат Агентлик томонидан амалга оширилади.

5-боб. Яқуний қоидалар

18. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор деб топилган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўлади.